

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 04/30.12.2019.Tib.30.03.  
РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АКАДЕМИК В.ВОХИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**КАРИМОВА НОДИРА МИРАЛИШЕРОВНА**

**БУЙРАК ТРАНСПЛАНТАЦИЯСИ ЎТКАЗИЛГАН  
РЕЦИПИЕНТЛАРДА КИСЛОТА-АСОС МУВОЗАНАТИ ВА  
ГЕМОСТАЗИНИНГ ПАТОКИМЁВИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

**03.00.01 – Биокимё**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

УДК: 616.152.112:616.61-089.843:615.38-082 (055.5/.7)

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
биологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)  
on biology sciences**

**Каримова Нодира Миралишеровна**

Буйрак трансплантацияси ўтказилган реципиентларда кислота-асос мувозанати ва гемостазининг патокимёвий жиҳатлари ..... 3

**Каримова Нодира Миралишеровна**

Патохимические аспекты кислотно-основного состояния и гемостаза у реципиентов трансплантации почки ..... 21

**Karimova Nodira Miralisherovna**

Pathochemical shifts of acid-base balance and hemostasis in kidney transplantation recipients ..... 38

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 41

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 04/30.12.2019.Tib.30.03.  
РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АКАДЕМИК В.ВОХИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**КАРИМОВА НОДИРА МИРАЛИШЕРОВНА**

**БУЙРАК ТРАНСПЛАНТАЦИЯСИ ЎТКАЗИЛГАН  
РЕЦИПИЕНТЛАРДА КИСЛОТА-АСОС МУВОЗАНАТИ ВА  
ГЕМОСТАЗИНИНГ ПАТОКИМЁВИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

**03.00.01 – Биокимё**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/В425 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Республика хирургия ихтисослаштирилган тиббиёт илмий-амалий марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки хил тилда (ўзбек тили, рус тили, инглиз тили (резюме)) Илмий кенгаш ([www.rscs.uz](http://www.rscs.uz)) ва «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) ахборот-маърифий портали веб-саҳифасида жойлаштирилган

**Илмий раҳбар:**

**Хайбуллина Зарина Руслановна**  
тиббиёт фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Ходжиметов Абдуғаффор Аҳадович**  
биология фанлари доктори, профессор

**Абдуллаева Муборак Махмусовна**  
биология фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент врачлар малакасини ошириш институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2. Тел/факс (998971) 150-78-25, e-mail: [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru). Тошкент тиббиёт академияси, 1-ўқув биносининг мажлислар зали).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот–ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тошкент тиббиёт академияси 2-ўқув бино «Б» корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел/факс (998978) 150-78-14.

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

(2020 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Г.И. Шайхова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н.Ж. Эрматов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**М.Ж. Аллаева**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, биология фанлари доктори, доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори диссертацияси аннотацияси (PhD))

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотида кўра, «...буйрак касалликлари умумий касалликлар тартибида 6- ўринни эгаллайди ва умумий ўлимлар бўйича 4,7% ни ташкил қилади...»<sup>1</sup>. Халқаро нефрологлар бирлашмаси (ISN) томонидан тақдим этилган Global Kidney Health Atlas маълумотларининг таҳлилларига кўра, дунёда 7338,5 миллион инсонлар сурункали буйрак касаллигининг (СБК) терминал босқичи билан хасталангани қайд қилиниб, бу кўрсаткич миллион аҳоли учун 4 дан 3392 тагачани ташкил қилади...»<sup>2</sup>. Буйрак трансплантацияси (БТ) дунёнинг 102 давлатида амалга оширилиб, буйрак даволашнинг ўрнини босувчи самарали усули бўлиб ҳисобланади. Кадаврили (cadaver) буйрак трансплантацияси «...АҚШ, Европа давлатлари, Россия ва Белорусияда кенг қўлланилади, хусусан Россиянинг 6:1 миллион, Испаниянинг 63:1 миллион, АҚШнинг 47:1 миллион аҳолиси кадаврили буйрак трансплантацияси улушини ташкил этади...»<sup>3</sup>. Дунё бўйича буйрак трансплантацияси сонини барқарор ошиб боришига қарамай, ҳамон донор органлари етишмовчилиги мавжуд.

Жаҳонда буйрак трансплантацияси ўтказилган реципиентларда кислота асос мувозанати ва гемостазни патохимёвий жиҳатларини баҳолашни такомиллаштириш борасида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада сурункали буйрак касаллиги терминал босқичи беморлари яқин қариндош буйрак трансплантацияси реципиентларида кислотали асос ҳолатини қўллаш тизимида патохимёвий силжишларни асослашдан иборат. Жаррохлик амалиёти босқичларида буйрак трансплантати реципиентларида кислота-асос ҳолатини, гемостазни ва мембранадеструктив жараёнларини кучайишининг патохимёвий силжишларини баҳолаш, ҳамда операциянинг ҳар бир босқичида буйрак трансплантат фаолияти билан боғлиқлигини асослашдан иборат. Буйрак трансплантатини кечиккан вазифасининг метаболик хавф омилларини, ҳамда буйрак трансплантати реципиентларида лаборатор баҳолашни такомиллаштириш ва трансплантатни кечиккан вазифасининг олдини олиш тадбирларини башоратлаш тартибини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда аҳолига нефрология ва гемодиализ ёрдами кўрсатиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида буйрак касалликларни камайтириш, уларга самарали тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш ва беморларда жаррохлик амалайёти даврида қонда кислота асос мувозонати ва қон гемостази барқаролигини таъминлашга қаратилган қатор илмий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ–3846-сон Ўзбекистон Республикаси аҳолисига нефрология ва гемодиализ

<sup>1</sup>Aminu K Bello, Adeera Levin, Meaghan Lunney. Status of care for end stage kidney disease in countries and regions worldwide: international cross sectional survey // *BMJ* 2019;367:l5873 | doi: 10.1136/bmj.l5873.

<sup>2</sup>Norae N, Fathi M, GolestaniEraghi M, Dabbagh A, Massoudi N. The Effect of Intraoperative Alkali Treatment on Recovery from Atracurium-Induced Neuromuscular Blockade in Renal Transplantation: A Randomized Trial // *Anesth Pain Med.* 2017 Jan 1;7(1):e42660. doi: 10.5812/aapm.42660. eCollection 2017 Feb;

<sup>3</sup>Stamenic D, Rousseau A, Essig M, Gatault P, Buchler M, Filloux M, Marquet P, Priday A. A Prognostic Tool for Individualized Prediction of Graft Failure Risk within Ten Years after Kidney Transplantation // *J Transplant.* 2019 Apr 8;2019:7245142. doi: 10.1155/2019/7245142.

ёрдами кўрсатиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорида «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий қилиш, патронаж хизматини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни олдини олиш...»<sup>4</sup> каби муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада аҳолининг турли катламлари орасида буйрак трансплантацияси ўтказилган реципиентларда кислота асос мувозанати ва гемостазни патокимёвий жиҳатларини, аҳоли орасида профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали касаллик ривожланишининг хавф омилларининг асоратлари натижасида юзага келадиган ногиронлик ва ўлим кўрсаткичини камайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 12 июлдаги ПҚ-3846-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига нефрология ва гемодиализ ёрдами кўрсатиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Буйрак трансплантацияси реципиентлари – аввалдан СБК терминал босқичи беморлари бўлиб, уларда аввалдан гипопластик анемия шаклидаги ноқулай метаболик фон, сув-электролит ва кислотали-асос мувозанатининг бузилиши кузатилади (MessaP.G.et.al.,2016). Сурункали буйрак касаллигининг ажралмас хамроҳи – бу сурункали метаболик ацидоздир (Georges V.et.al., 2018; Labox et.al., 2019). СБК нинг ривожланиб бориш даврида гломеруляр филтрация тезлиги (ГФТ) пасайиши билан плазмада актуал бикарбонатини пасайиш даражасининг тўғридан-тўғри боғлиқлиги исботланган (WeygantA. et.al., 2018). Кўплаб муаллифларнинг таъкидлашишича, буйрак трансплантати хужайраларини заифлашиши, шунингдек КАМ бузилиш оқибатида эндотелиал дисфункция вужудга келиши, гипертензия (Wesson D.E.et.al., 2011), юрак қон-томир

---

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

тизимда структура ва функционал ўзгаришлар, ҳамда яллиғланиш олди цитокин генлари экспрессиясини ортиб бориши МАНинг мониторинги ва унинг клиник аҳамиятига баҳо бериш муҳим, чунки шу сабабларга кўра узоқ муддатли баҳолаш мураккаблашади ва буйрак трансплантатининг вазифаларини кечикиш ҳавфи ошади (Recio-Mayoral A. et.al., 2011; Reine T.M. et.al., 2019). Жумладан, МА ва бикарбонат етишмовчилиги буйракка тўғридан-тўғри салбий таъсир кўрсатади, чунки МА шароитида нефронлар аммоний ионлари маҳсулотини кучайтиради, бу эса ўз навбатида нефрон найчалари хужайраларини шикастланишига олиб келади (Samir N.Sh.et.al., 2009; Dobre M.et.al., 2015). МА-да эндотелин-1 маҳсулотини ошиши тубуло-интерстициал шикастланишни вужудга келтишига сабаб бўлади ва ГФТни пасайишига олиб келади (Ҳақоб М.М.ет.ал., 2010); буйракда бикарбонат синтезининг компенсатор кучайиши ошганда буйрак уни реабсорбция қилиш қобилятини йўқотиши нефронларда кальцификацияни ошиб кетишига сабаб бўлади. МА микроциркулятор оқим даражасида перфузияни бузилишига, гиперкалемия ва хужайраичи натрийни ошишига, гемоглобинни кислород билан яқинлиги оксигемоглобин диссоциациясини эгри чизикда силжишига ва десатурацияга, шунингдек чуқур кислород статусини бузилишига олиб келади (Rafael.et.al.,2019). Буйрак трансплантатининг ҳолатини ташҳислаш, даволаш ва унинг дисфункциясини олдини олишни такомиллаштириш учун дунё бўйича мақсадга мувофиқ қатор изланишлар олиб борилмоқда. Кўп марказли плацебо-назоратидаги тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, метаболик ацидоз (МА) сабабли буйрак сурункали касаллигидан вафот этиш кўрсаткичи юқори, аммо буйрак трансплантацияси реципиентларида метаболик ацидозни ўз вақтидаги адекват коррекцияси трансплантатнинг узоқ муддат яшашига ёрдам беради (WeigantA. et al. 2018). Буйрак трансплантатини донор ва реципиентни иммунологик мос келиш жиҳатлари билан боғлиқ бўлмаган фаолиятини кечикиш механизми ва факторларини, шу қаторда унинг дисфункциясини ўрганиш муҳим вазифа бўлиб қолади (Мойсюк Я.Г., 2018).

Ўзбекистонда буйрак касалликлари билан хасталанган беморларда буйрак трансплантацияси ва унинг аҳамияти жаррохлик усулида даволаш ва такомиллаштириш борасида қатор илмий ишлар бажарилган (Ф.Г.Назиров, 2010; 2017; Бахритдинов Ф.Ш., 2017) бироқ, буйрак трансплантацияси ўтказилган реципиентларда кислота асос мувозанати ва гемостазни патокимёвий жиҳатларини баҳолашни такомиллаштиришга қаратилган ишлар бажарилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий–тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Ўзбекистонда яқин қариндош трансплантацияси дастурини ривожлантиришда технологик ва илмий-услубий ёндошувларнинг концептуал асослари» (2010-2019 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** яқин қариндош тирик буйрак трансплантацияси реципиентларида ички муҳит барқарорлигини қўллаб турувчи молекуляр механизмларни бузилишини баҳолашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

буйрак сурункали касаллиги терминал босқичи беморлари, яъни яқин қариндош буйрак трансплантацияси реципиентларида кислотали асос ҳолатини қўллаш тизимида патокимёвий силжишларни баҳолаш;

периоператив даврда буйрак трансплантати реципиентларида кислота-асос ҳолатини, гемостазни ва мембранадеструктив жараёнларини кучайишини патокимёвий силжишларини баҳолаш;

операциянинг ҳар бир босқичида кислота-асос ва мембранадеструктив жараёнларини патокимёвий силжишларни буйрак трансплантат функцияси билан боғлиқлигини баҳолаш;

буйрак трансплантатини кечиккан вазифасининг метаболик хавф омилларини баҳолаш;

буйрак трансплантати реципиентларида лаборатор баҳолашни такомиллаштириш ва трансплантатни кечиккан вазифасининг олдини олиш тадбирларини таклиф қилиш.

**Тадқиқотнинг объект** сифатида 2010 йилдан 2020 йилларда академик В. Воҳидов номидаги Республика илмий-амалий тиббиёт хирургия марказида даволанган 246 нафар беморлари кузатилган. Барча беморларга яқин қариндош тирик донордан гетеротопик буйрак трансплантацияси бажарилган ва лаборатор таҳлиллари баҳоланган.

**Тадқиқотнинг предмети** қондаги кислотали - асос ҳолати белгилари, гемостаз тизими, метаболитлар ва электролитлар даражасини БТ жарроҳлик амалиётининг тўрт босқичида ва буйрак трансплантациясидан сўнг 24 соатдан кейинги даврдаги ўзгаришларини, БТнинг функционал қобиляти ҳолати материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.**Тадқиқотда клиник, биокимёвий ва статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

гомеостазнинг биокимёвий барқарорлиги, кислота асос мувозанати ва қоннинг антиоксидант тизимини фаолияти ва яққол уремия буйрак трансплантатини бирламчи фаолиятини ишга тушиши билан боғлиқлиги исботланган;

артериал қонда операциядан аввал актуал бикарбонат миқдорини 19,8 ммоль/л дан кам миқдорда ўзгариши ҳамда каталаза фаоллигини 24 мккат/л дан ошиши, операциянинг 2 ва 3-боқичида қондаги рН ўзгаришларига олиб келади ва буйрак трансплантатини кечикиш фаолиятига биологик механизм асосланган;

организмнинг биокимёвий константаларини доимийлигини сақлаш (рН,  $\text{HCO}_3$ ) ва кислороднинг эркин радикалларини паст даражада ишлаб чиқиш, ҳамда трансплантатнинг иккиламчи иссиқлик ишемияси даврини 35,1 дақиқагача қисқариши буйрак трансплантатини ўз вақтида фаолият

бошлашиш ва буйракни моддалар алмашинуви бошқарувига уланишига ҳамда ўзини физиологик вазифалирини бажаришига олиб келиши исботланган;

биокимёвий иммунологик мос келмаган буйрак трансплантатини кечиккан фаолияти кўрсаткичлари, жарроҳлик амалиётидан кейин биринчи кундан, қонда липопероксидацияни кучайиши, малондиальдегид ва ўрта молекуляр пептидларни тўпланиши, трансплантат тўқималаридаги мембранодеструктив жараёнлари кучайтирилганлиги ҳам жарроҳлик амалиёти периператив даврида исботланган;

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

буйрак трансплантацияси босқичларида кислота асос мувозанати ва гемостаз бошқаруви тизимида патохимёвий силжишлар ва уларнинг ривожланиш механизмлари аниқланган

буйрак трансплантатни кечиккан фаолиятини метаболик омиллари трансплантатни қон айланиш тизимига уланишидан кейин жарроҳлик амалиёти якунида (4-босқич) креатининнинг бошлағич кўрсаткичи 944 мкмоль/л дан ортик, қопланмаган метаболик ацидозда  $\text{HCO}_3$  даражасининг кўрсаткичи 19,8 ммоль/л дан кам, айнан жарроҳлик амалиётига қадар (1-босқичда) каталаза фаоллигини 24мкат/л дан камайиши, шунингдек, ВЕ ни (-5,6) ммоль/л дан ошиб кетиши ва ЎМП ни 0,412 УЕ дан ошиши баҳоланган;

босқичма-босқич КАМ кўрсаткичларини, АОТ ва эндотоксемияни ўрганиш оқибати буйрак трансплантацияси лаборатор мониторингини такомиллаштирилишини ўз ичига олган;

буйрак трансплантатини кечикиш фаолиятини тўхтатишни олдини олиш чор-тадбирларининг тамойиллари эса жарроҳлик амалиётигача  $\text{H}^+$  ни киришини, детоксикация ва мембранодеструкцияни камайтириш зарурлиги асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган исботланган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, беморлар сонининг етарлилиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник, биокимёвий ва статистик усуллардан буйрак трансплантацияси ўтказилган реципиентларда кислота асос мувозанати ва гемостазни патохимёвий жиҳатларинининг ўзига хослиги халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, ҳулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти яқин қариндош тирик донордан буйрак трансплантацияси реципиентларида гомеостазни тартибга солиш тизимини патохимёсини, кислота асос мувозанатини ҳамда гемостаз тизимини, биологик мембраналарни барқаролигини таъминлаш механизмларини баҳолашга кўмаклашиш, гомеостаз кўрсаткичларини барқарорлиги жарроҳлик амалиёти боқичларида реципиентнинг дастлабки ҳолатига қараб аниқланаши-ВЕ, долзарб бикарбонат даражаси, шунингдек, антиоксидант тизимини ферментатив қатор фаолиятини ишга тушиши даражаси ҳамда гомеостаз кўрсаткичларининг

барқарорликларида ифодаланувчи МАнинг компенсация даражасини исботлаш, буйрак трансплантацияси реципиентлари БТнинг бирламчи фаолиятига метаболик ацидозни таъсир қилиш механизмини баҳолаш имкони яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти буйрак трансплантанти реципиентларида кислота асос мувозонати регуляциясида ва гомеостазда муҳим патокимёвий силжишлари ҳамда буйрак трансплантатини кечиккан фаолиятини метаболик хавф омиллари ва бу ҳолатни башорати учун чегара хавф кўрсаткичлари, буйрак трансплантанти жарроҳлик амалиётининг лаборатор мониторингини янги тактик усули ёрдамида гомеостаз бузилишини ўз вақтида башорат қилиш ва ташхисотига ёрдам берувчи жиҳатлари белгилашга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Буйрак трансплантацияси ўтказилган реципиентларда кислота-асос мувозонати ва гемостазни патокимёвий жиҳатларини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Тирик донор буйрак трансплантацияси реципиентларида кислота-асос мувозонати ва гемостаз регуляцияси тизимида патокимёвий силжишлар» услубий қўлланма тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 02 сентябрдаги № 8н-д/120- сон маълумотномаси). Натижада буйрак трансплантати реципиентларида метаболик ҳолат ва кислота-асос мувозонатини баҳолаш имконини берган;

Буйрак трансплантацияси ўтказилган реципиентларда кислота асос мувозонати ва гемостазни патокимёвий жиҳатларини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт хирургия маркази, Тошкент вилояти тез тиббий ёрдам илмий-амалий маркази ва Андижон Давлат тиббиёт институти шифохонасининг клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 09 декабрдаги 8н-д/183-сон маълумотномаси). Натижада буйракнинг кечиккан иш фаолияти ташхисоти ва башоратини сифат даражасини яхшилаш, шу билан биргаликда, оптималлаштирилган лаборатор мониторинги ва реципиентларни трансплантация жарроҳлик амалиётига тайёрлаш тартиби сабабли, айнан жарроҳлик амалиётига метаболик ацидозни компенсациясига эришилган ва буйрак трансплантати бирламчи фаолиятини 66,1% дан 80,9% гача оширилиши мақсадга мувофиқ камайтириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий анжуманда муҳокома қилинган, жумладан, 4 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 117 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Буйрак трансплантацияси реципиентларида кислота-асос мувозанати ва метаболлик бузилишларни патокимёси, буйрак трансплантати фаолияти билан боғлиқлик муаммоларининг замонавий талқини»** деб номланган биринчи бобида маҳаллий ва хорижий адабиётлари асосида ушбу муаммонинг замонавий ҳолати баҳоланди. Сурункали буйрак касаллигининг терминал босқичи ҳақида эпидемиологик маълумотлар келтирилган, буйрак касаллигини ўриндош давоси ва буйрак трансплантациясига замонавий ёндошиш ҳақида ахборотлар бор. Буйрак трансплантацияси натижасига таъсир қилувчи яқин қариндош тирик буйрак трансплантациясининг афзалликлари ва муҳим хусусиятлари муҳокама қилинган. Буйрак трансплантацияси реципиентларининг метаболлик ҳолати батафсил кўриб чиқилган, организмнинг буйрак трансплантациясидан аввалги кислота-асос мувозанати бузилиш механизмлари, электролит алмашинуви, мослашув тизимини ҳолатлари кўриб чиқилган. БТнинг кечиккан фаолиятини патогенези ва лаборатор мониторингини мулоҳазали томонлари кўриб чиқилган, шунингдек метаболлик ацидоз ва гомеостаз бузилишига алоқадор бўлган СБКни реципиентларда ривожланиши ва трансплантациядан кейинги асоратлари ўраганилган.

Диссертациянинг **«Буйрак трансплантацияси ўтказилган реципиентларда кислота асос мувозанати ва гемостазни патокимёвий жиҳатларини баҳолаш материал ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материалларининг хусусиятлари келтирилган. Ушбу изланишда 2010 йилдан 2020 йилгача «академик В.Вохидов номидаги РИИАТХМ» ДК да жарроҳлик амалиётидан ўтган 246 нафар яқин қариндош буйрак трансплантацияси реципиентлари ўрганилган. 246 нафар реципиентларнинг 204 (82,9%) нафари – эркаклар, 42 (17,1%) нафари – аёллар бўлишган, ўртача  $31,7 \pm 0,6$  ёшни ташкил қилган, реципиентларни 94,7% (n=233)да СБК нинг терминал босқичига олиб келган бирламчи патология, яъни сурункали гломерулонефрит сабабчи бўлган. 9 (3,7%) нафар беморда диализгача буйрак трансплантацияси ўтказилган, 3 (1,2 %) нафар бемор

перитонеал диализ муолажасини олган, 95,1% (234 нафар) ҳолатда эса беморлар дастурли гемодиализ муолажасини қабул қилишган, шулардан 184 нафар (74%) беморда муддати 1дан 12 ойгача давом этган. Дастурли гемодиализни (ДГД) ўртача давомийлиги 14,5 ойни (ИИ 95% да 9,5-19,5) ташкил этган; ушбу муолажани қабул қилган беморларда кейинги ДГД сеанси жарроҳлик амалиётидан 18-30 соат олдин ўтказилган. Ўрагилган беморлар периоператив даврда қўлланилган жарроҳлик тактикасига кўра ва иккиламчи иссиқлик ишемияси даврини кечишига кўра икки гуруҳга бўлинганлар. Биринчи гуруҳга 2010 йилдан 2017 (n= 62) йилгача операция бўлган шахслар киритилган, иккинчи гуруҳга 2018-2019 (n=184) йилларда жарроҳлик амалиётини такомиллаштирилган янги усул билан боғлиқ бўлган маҳалдаги, шунингдек дезинтоксикацион даволаш дастури бўйича трансплантацияга тайёрлаб борилган шахслар киритилган. Гуруҳлар ёши, жинси ва касаллик оғирлиги жиҳатидан бир хил бўлган, шунингдек ДГД нинг давомийлиги ҳам  $13,9 \pm 2,5$  ва  $18,3 \pm 3,9$  ( $p > 0,05$ ) ни ташкил қилган. КАМ ( $pO_2$ ,  $pCO_2$ ,  $HCO_3$ ,  $BE$ ,  $pH$ ) белгилари, лактат, гемоглобин, кислороднинг тўлиқ ҳолати ( $p50$ )ни; электролитлар ( $Na^+$ ,  $K^+$ ,  $Ca^{2+}$ ,  $Cl^-$ )ни интраоперацион даврда гепаринли *pico-70* шприци ёрдамида олинган артериал қонда ABL 800 (Radiometer, АҚШ) анализаторида аниқланган. Анионлар фарқи (AG) ( $[Na^+] + [K^+] - ([Cl^-] + [HCO_3^-])$ ) каби ҳисобланган. КАМ нинг содда бузилиши ҳолатини артериал қон намунасида 3та кўрсаткич асосида, яъни  $pH$ , муҳим бикарбонат ( $aHCO_3$ ) ва  $CO_2$  нинг парциал босими ( $pCO_2$ ) аниқланган. КАМ бузилишининг асосий ва ҳамроҳ сабаблари ўрагилган. Гемостаз тизимини, қисман фаоллаштирилган тромбопластин вақти (АЧТВ); протромбин вақти (ПВ); халқаро нормаллаштирилган нисбат (ХНН); тромбин вақти (ТВ); фибриноген; тромбоцитлар сони саралаш тестлари ёрдамида ўрганилган. Humaclot-Unior анализатори ва стандарт реагентлар тўплами ишлатилган. Гемоглобин концентрациясини ва эритроцитлар индексини MCV, MCH, MCHC ларни ҳисобга олиниб, умумий қон таҳлилини автоматлаштирилган гематологик анализатори 5DIFF BS-5800 Mindray (China) ёрдамида қон зардобда текширилган. Биокимёвий анализатор VITROS-350 (USA) да креатинин, метаболитлар ва ферментлар кўрилди. ГФТ MDRD ва СКД-ЕРІ бўйича ҳисобланган. Малон диальдегиди (МДА) концентрациясини H.Okhawa et.all. усули бўйича тиобарбитурат кислота (ТБК) тести билан аниқланган. Каталаза фаолияти Корольок ва ҳаммуал. (1988) бўйича аммоний молибдати ёрдамида аниқланган. ЎМП даражасини қон плазмасида Н.И.Габриэлян ва ҳаммуал. скрининг усули бўйича баҳоланган. Супернатант сингиш спектрларини «F96» 2 нурли спектрофотметрида 220нм дан 310нм гача тўлқин узунлигида спектрограмма қуриш билан ўрганилди. Лаборатор кузатувлар беш босқичда олиб борилди: тўғридан-тўғри жарроҳлик амалиётидан аввал (1-босқич, трахея интубациясидан олдин), трансплантатни қон оқимиға уланишидан олдин (2-босқич), трансплантатни қон оқимиға уланганидан кейин (3-босқич), жарроҳлик амалиётини якуни (4-босқич), жарроҳлик амалиётидан сўнг 24 соатдан кейин (5-босқич). Буйрак трансплантациясидан кейин 1 сутка давомида креатинин миқдори 10% дан ортиқ камайгани трансплантатнинг

бирламчи фаолиятини ишга тушганини англатади, чунки трансплантатнинг кечиккан фаолиятида креатинин миқдори худди шу муддатда бошланғич кўрсаткич нуқтасидан 10% гача пасайиши кузатилади. Буйрак трансплантациясидан кейин биринчи суткада креатинин миқдори 10% ва ундан ошиб кетиши сабабли трансплантат дисфункциясида, яъни трансплантатнинг бирламчи фаолиятини ишга тушмаслигида, ёки операциядан кейин икки ой давомида шу кўрсаткич билан биргаликда гемодиализга мухтожлик сақланишида кузатилган.

Диссертациянинг «**Буйрак трансплантациясигача кислота-асос мувозанати, гемостаз ва метаболик ҳолатларнинг патокимёси**» деб номланган учинчи бобида БТгача даврда беморларда КАМ бошқарув тизимидаги, гемостаздаги ва АОТ даги бузилиш тахлиллари тақдим этилган. Жарроҳлик амалиётидан аввал беморларни тайёрлаб бориш натижасида, буйрак трансплантацияси реципиентларининг ҳаммасида оксилли, углеводли ва липидли алмашинувнинг бошланғич кўрсаткичларини тартибга тушишига эришилган. Ваҳолангки, уларда аввалдан Нб миқдори 88,5-90,1 г/л бўлган гипорегенератор, нормохром ва нормоцитар анемия аниқланган. Электролит бузилишлари гипокальцемия, яққол гиперкалемия гиперхлоремия ва анион фарқининг ўзгариши (AG) билан намоён бўлган. Операциядан аввалги такомиллаштирилган тайёрлов дастури иккала гуруҳ реципиентларининг КАМ кўрсаткичларига жарроҳлик амалиётини 1-босқичида ўз таъсирини кўрсатган. Шундай қилиб, 1- гуруҳ беморларида рН нинг ацидемия томонига силжиши кузатилган, чунки МАда субкомпенсация белгиси бор эди; 2- гуруҳ беморларида эса МА тикланган эди, чунки рН кўрсаткичлари референс оралиғи ичида бўлган. 1 гуруҳда метаболик компонентларининг етишмовчилиги компенсациясини билдирувчи актуал бикарбонат ( $\text{aHCO}_3$ ) ва асос (BE) етишмовчилиги қийматининг фарқи ўзига жалб қилади. Шу жумладан, 2- гуруҳ шахсларига нисбатан уларда статистик жихатдан ахамиятли ( $p < 0,05$ ) бўлган сув-электролит алмашинувини гипергидратация ҳисобига гипотоник белгили бузилиши сабабли эритроцитларни ўрта ҳажмини ошиши -МСV намоён бўлган (1-жадвалга қаранг).

Эркин-радикал жараёнлари фаоллашуви, липопероксидация ва оксиллар дегидратацияси натижасида БТ реципиентларида уремик токсинларни ушланиб туриши қийинлашади, бу эса МДА концентрациясининг контролга нисбатан 1,7-2,2 марта ошиб кетишида,  $\text{ЎМП}_{272}$ - 5,3-7,0 марта АОТ ининг ферменти каталаза фаолиятини 1,1-1,4 марта контролга нисбатан ўзгариши иккала гуруҳ реципиентларида кузатилди. БТ реципиентларида гемостаз тизимидаги бузилишлар қон-томир тромбоцитар қаторни ишга тушиши ва фибринолиз пасайишида намоён бўлади, бу эса БТ да тромбо-гемморрагик асоратларини ривожланишида хавф туғдиради. МА нинг БТ реципиентларида умумий учраш ҳолати 74,7% ни ташкил қилди, бунда КАМ механизми ва эндотоксемия бузилишини бартараф қилишни кўзда тутувчи мақсадли такомиллаштирилган дастлаб оперциядан аввал тайёрлов дастури сабабли, МА ни учраш ҳолатини 1-гуруҳда 85,4% гача, 2-гуруҳда эса 71,2% га пасайишига олиб келди.

Шундай қилиб, БТ реципиентларида операциянинг 1-босқичида уремия, анемия, метаболик ацидоз, эндотоксемия, гемостаз тизимини кучланиши ва антиоксидант ҳимояси аҳамиятга эга эди. Барча сабабларни олдини олишнинг тамойиллари  $H^+$  ни қабул қилиниши ва ишлаб чиқарилишини, ҳамда эндотоксемияни пасайтиришга қаратилган. Унинг яққол исботи 2-гурух реципиентларида МА учраш ҳолатини пасайиши ва компенсацияси, ҳамда антиоксидант тизими заҳирасини кенгайтириш бўлган.

### 1- жадвал



#### Жарроҳлик амалиётини 1-босқичида буйрак трансплантацияси реципиентларининг КАМ кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	1-гурух, n=62		2-гурух, n=184		Референс орлик	Ўлчов бирлиги
	М	95% ДИ	М	95% ДИ		
креатинин	944,6	863,5-1025,5	922,9	873,2-972,7	62-130	мкмоль/л
Иссиқлик ишемияси $t^0$	45,0	37,7-47,1	35,1*	28,9-36,9	-	мин
Нь	90,1	79,1-101,1	88,5	82,4-94,6	130-160м 120-140ж	г/л
MCV	96,6	94,3-98,8	90,8*	89,5-92,3	82-95	фл
StO2	98	97-99	98	97-99	>98	-
pH	7.25	7.22-7.31	7.36*	7.34-7.38	7.35-7.45	-
pCO2	33,1	32,0-34,8	35,7	33,4-38,1	35-45	mm Hg
pO2	190,4	170,4-210,4	148,4*	125,4-171,4	>80	mm Hg
p50	97	86-118	76*	79-97	24-28	mm Hg
HCO3	17.9	15,8-20,6	20,7*	19.6-21.6	22.28	ммоль/л
BE	-6.9	-5,4- -8,3	-4,3*	-3,2- -5,1	-2...+2	ммоль/л
Na <sup>+</sup>	138,5	137,3-139,7	136,1	135,1-137,2	135-145	ммоль/л
K <sup>+</sup>	4,73	4,28-5,28	5,30	4,48-6,12	3,5-5,0	ммоль/л
Ca <sup>++</sup>	0,91	0,64-1,01	1,01	0,97-1,06	1-1,25	ммоль/л
Cl <sup>-</sup>	108,2	104,1-110,4	103,3*	101,4-105,4	95-105	ммоль/л
AG	17,7	16,3-19,2	12,5*	10,1-14,8	8-16	ммоль/л
Лактат	0,77	0,63-0,91	0,62	0,55-0,70	0,4-1,5	ммоль/л

\*1-гурухга нисбатан  $p < 0,05$ , статистик жихатдан аҳамиятли

Диссертациянинг «Периоператив даврда буйрак трансплантати фаолиятини реципиентнинг метаболик ҳолати ва унинг динамикаси билан боғлиқлиги» деб номланган тўртинчи бобида периоператив даврда КАМ, гемостаз тизими ва АОТ кўрсаткичлари динамикаси кўрсатилган. 2-гурух беморларида буйрак трансплантациясининг 2 ва 3- босқичларида рНнинг фарқи  $\Delta pH_{2-3} = 0,008$  (95%ИИ: 0,007-0,009) 1-гурухга  $\Delta pH_{2-3} = 0,011$  (95%ИИ: 0,010-0,018)

( $p < 0,05$ ) нисбатан яхши натижаларни берган. Операциянинг 1-босқичида 2-гуруҳ реципиентларида ВЕ кўрсаткичлари 4,4 ммоль/лдан ошмаган ва кузатувларнинг 2-3 босқичларида ўзгармаган; 4-босқичда ВЕ нинг миқдори аввалги 3- босқичга нисбатан ( $p < 0,05$ ) пасайган, 5- босқич, яъни операциядан кейинги 1-куннинг охирида буйрак КАМ регуляцияси ишлаб кетиши сабабли, нормал референс оралиғига етиб келган. 1- гуруҳ беморларида ВЕ кўрсаткичларида ўзгача динамика кузатилган эди, уларда ВЕ операциядан кейин 1-куннинг охирида мақсадга мувофиқ кўрсаткич даражасига етмаган, ваҳоланки, жарроҳлик амалиёти давомида ВЕ нинг ўзгариши ижобий бўлаётгани кузатилган эди (1-расмга қаранг).



**1- расм. Периоператив даврда рН динамикаси ва ВЕ ммоль/л нинг ўртача даража кўрсаткичининг жарроҳлик амалиёти давомида**

Шундай қилиб, 2-гуруҳ реципиентларида умумий жарроҳлик амалиёти давомида КАМ кўрсаткичлари деярли ўзгармади, аммо 1-гуруҳ реципиентларининг рН, ВЕ,  $\text{HCO}_3$  кўрсаткичларида фарқли ўзгаришлар бўлган. Бу эса гемостаз беқарорлигини таъкидлайди, яъни трансплантат учун исталмаган асос ҳисобланади.

Эхтимол, МАнинг бундай динамикаси 2-гуруҳ беморларининг дастлаб ижобий ҳолати билан, ёки буйрак трансплантати жихатларининг техник-тактикасининг такомиллашиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. 1-гуруҳда иссиқлик ишемияси даврининг давомийлиги 45,5 мин (95% ИИ: 37,7-47,1)ни аксарият, 2-гуруҳда 35,1 мин (95% ИИ: 28,9-36,9)ни ташкил этди ва бу вақт давомийлиги статистик ( $p < 0,05$ ) аҳамиятга эга. Барча буйрак трансплантати реципиентлари учун ноқулай омил саналган кислороднинг фаол шакллари (КФШ) ни кучайишига, 1 ва 2- гуруҳ беморларида  $p\text{O}_2$  (кислороднинг парциал босими)нинг 190,4 ва 148,4 ммHg га,  $p50$  (гемоглобинни  $\text{O}_2$  билан 50% га тўйиниши) ини 97 ва 76 ммHg ( $p < 0,05$ ) гача ортиши билан боғлиқ гипероксия сабаб бўлган.

Операциягача тадқиқотларда КФШ генерацияси ва липопероксидация фаоллигини ўрганиш шуни кўрсатдики, 1-босқичда буйрак трансплантати реципиентларининг 1 ва 2- гуруҳларида МДА миқдори деярли ўзгармаган ( $p > 0,05$ ), ваҳоланки 1-гуруҳ беморларида қоннинг ферментатив қатор


фаоллиги юқори бўлган, бу эса АОТ нинг максимал компенсатор ошишига ишора қилади.

Иккала гуруҳда периператив даврнинг 2-босқичида МДА концентрациясини 1- боқичга нисбатан статистик жихатдан ўзгармаганлиги ( $p > 0,05$ ), аммо МДА концентрациясининг кескин ошиши трансплантат бўйича қон оқимини бошланишида, яъни 3-босқичда кузатилди. Бунда 1-гуруҳ беморларида 1-босқичда МДАнинг 8,9 (95% ИИ: 7,4-10,4) дан 4- босқичда 16,3 (95% ИИ: 15,8-18,3) гача тобора ошиши кузатилган ва натижада, 1 ва 4-босқичларда 2-гуруҳда МДА концентрациясини 6,9 (95%ИИ:5,8-8,1)ни ва 8,2 (95% ИИ: 7,3-9,0) нмоль/мг оксилга ташкил этган. Таъкидлаб ўтиш жойизки, бошланғич даврда 1- ва 2- гуруҳларда каталазанинг фаоллиги 28,9(95%ИИ:27-30,8) ва 24,3(95%ИИ:22,3-26,4)мкат/л ни ташкил этган ( $p < 0,05$ ). Бу эса ўз навбатида 1-гуруҳда АОТ ни дастлаб операциядан аввал кучайишини яққол кўринишига ишора қилади, аммо 2-гуруҳнинг 4-босқичида каталаза фаоллигини 11,3 (95% ИИ: 9,5-14,8)мкат/л гача пасайиши, 27,5 (95% ИИ: 26,3-28,7)мкат/л га қарши кўрсаткичларни ташкил қилиши билан фарқ ( $p < 0,05$ ) қилади.

БТ реципиентларининг ( $n=246$ ) қонида креатинин даражасини пасайишига кўра, трансплантатга баҳо бериш қуйидаги кўрсаткичларга асосан операциядан сўнг 24 соатдан кейин аниқланди, бунда трансплантатни бирламчи фаолиятини ўз вақтида бошлагани 190 нафар (77,2%) беморда, трансплантатнинг кечиккан фаолияти 51 нафар (20,8%) беморда, трансплантат дисфункцияси 5 нафар (2,0%) беморда ва ниҳоят, трансплантатнинг ўткир рад этилиш ҳолати 2 нафар (0,8%) беморда қайд этилди. Фойиз сифатида бошланғич кўрсаткичга ( $p > 0,05$ ) нисбатан креатинин миқдори 1-гуруҳда 69% (95% ИИ:44,7-93,5%) ни, 2-гуруҳда эса -76 % (95% ИИ:68,5-83,6%) ни ташкил этди. Шундай қилиб, 1-гуруҳ 62 нафар беморлардан 17 нафарида 27,4% ҳолатда, 2-гуруҳда эса 184 нафар бемордан 34 нафарида буйрак трансплантатининг кечиккан фаолияти 18,5% ҳолатда кузатилган ва бу статистик кам ( $p < 0,05$ ) учрайдиган ҳолатдир. Буйрак трансплантати дисфункцияси 5 нафар беморда қайд этилди ( $p < 0,05$ ), улардан 1 нафари (0,54% ҳолатда) 2-гуруҳдан ва 4 нафари (6,5 % ҳолатда) 1-гуруҳдан бўлиб, ўз навбатида 2 ва 1 гуруҳларда 0,54%ни ( $p < 0,05$ ) 6,5% га нисбатан ташкил этган. Ҳамма беморлар ( $n=246$ ) иммуносупрессив терапия қабул қилишган. 246 нафар бемордан 244 нафарида биз буйрак трансплантациясидан кейинги 1 ва 3- сутка давомида ўткир найча некрозини, ўта оғир, Т-хужайрали антитело-воситачилик қилган, аралаш буйрак трансплантатини рад этилишини ва чегара ўзгаришларни кузатилмаган; беморларда жарроҳлик амалиётидан кейин 1- суткадан бошлаб, кейинги суткалардаги кузатувларда диурез бўлган ва зардобдаги креатинин миқдори динамикада ижобий бўла бошлаганини кузатилди. 2-гуруҳдаги 2 нафар (0,8%) беморда буйрак трансплантациясидан сўнг 1- кунда иммуно-воситалик буйрак ўткир рад этилиши кузатилган. 99,2% БТ реципиентларда жарроҳлик амалиётидан сўнгги биринчи суткадан кейин иммунологик дисфункция сабабларини, шунингдек, буйракнинг филтрацион ва айириш функцияларини ижобий ўзгариб боришини истисно қилиб, тахмин бўйича БТ нинг биринчи

кундаги кечиккан фаолятини сабаблари ноиммунологик метаболик омиллари, КАМ, гемостаз ва АОТ тизимини бузилишлари бўлиши мумкин деб ҳисобланган.

Жарроҳлик амалиётидан кейин биринчи суткада креатинин даражасини пасайиш фойизини корреляцион таҳлили билан КАМ натижаларини кўрсатишича, операциядан олдин фақатгина бикарбонат кўрсаткичида ишончли боғлиқлик аниқланган ( $r=-0,29, p<0,05$ ), қолган КАМнинг ишончли кўрсаткичлари билан боғлиқ натижалар суст ва ишончсиз бўлган. Ушбу тестнинг изчиллигини характерли эгри чизик қурилмаси (ROC-таҳлил) усули ёрдамида буйрак трансплантатининг кечиккан фаолятини таҳлили 95% ИИ:0,574-0,754 да 0,668 ( $p=0,005$ ) ни ташкил қилган (2-расмга қаранг).




2- расм. 1-босқич жарроҳлик амалиётида актуал бикарбонат учун (а) ва 4- босқичда ВЕ учун ROC- эгри чизик қурилмаси (б), тест сифати (AUC)

Маълумки, эгри чизик остидаги майдон–AUC «модел» нинг сифатини кўрсатади, бизнинг ҳолатимизда–буйрак трансплантатини кечиккан фаолятини баҳолаш учун кенг ахборотга эга. Шундай қилиб, AUC нинг 0,9-1,0- ўлчов қийматига кўра-модел сифати аъло даражада. AUC = 0,8-0,9 да жуда яхши, AUC = 0,7-0,8 да яхши, AUC = 0,6- 0,7 да ўрта ва AUC = 0,5-0,6 да эса қониқарсиз ҳисобланади.

ROC – таҳлили асосида  $\text{HCO}_3$  ва ВЕ учун муҳим нуқталар ўрагилган. Чунки уларнинг ошиб кетиши буйрак трансплантатининг фаолятини кечикиш хавфига олиб келиши мумкин. Буйрак трансплантатининг 1- босқичида  $\text{aHCO}_3$  даражаси 19,8 ммоль/л дан кам, (сезгирлик 91,6%, ўзига ҳослик-55,6%) ва операциянинг 4- босқичида ВЕ даражаси – 5,6 ммол/л дан ортиқ (сезгирлик75%, ўзига ҳослик-58,8%) бўлганда буйрак трансплантати фаоляти кечикади. Метаболик статусни бошланғич кўрсаткичлари орасида креатининни 927 мкмол/л (сезгирлиги-90,5%, ўзига ҳослиги-60,5%) кўрсаткичи буйрак трансплантатининг кечиккан фаоляти башоратида яхши ахборот воситаси ҳисобланиб, трансплантатнинг фаоляти кечикиши хавфи юқорилигидан далолат беради (3-расмга қаранг).

Буйрак трансплантатининг бирламчи фаоляти билан боғлиқ МДА,ЎМП ва каталаза фаоллигини даражаси таҳлилинини кўрсатишича, барча буйрак

трансплантацияси фаолиятининг кечикиши ҳақидаги башоратлар орасида 1-босқич кузатувлари натижасида каталаза фаолиятининг 24 мкат/л (90,5% сезгирлиги, 86% ўзига ҳослиги), операциянинг 4-босқичида каталаза фаолиятини 16мкат/л (93% сезгирлиги, 99%- ўзига ҳослиги) дан камайиши, 4-босқичда МДА концентрациясини 10 нмол/л оқсилга (99,1 сезгирлиги, 96,4 % - ўзига ҳослиги) ошиши, ЎМП концентрациясини 4-босқичда 0,412 ШБ (68,9%-сезгирлиги,76,1%-ўзига ҳослиги)дан ортиши ва ЎМПнинг миқдорини БТдан 24 соатдан кейин 0,344 ШБ (86,2%-сезгирлиги, 60,9 % ўзига ҳослиги) га ортиши кенг ахборотга эга. Бироқ, буйрак трансплантацияси фаолиятининг кечикиши башоратига қараганда ва операциянинг 2-3-босқичлари, ҳамда бошланғич кўрсаткичлар натижасига кўра МДА ва ЎМП миқдори сира ўзгармаган.



**3-расм. Креатинин, МДА, каталазанинг 1-босқичдаги (AUC) ROC- эгри қурилмаси**

1-босқичда МДА,ЎМП ва каталазани ўзаро боғлиқлигини ва креатининнинг фойиз камайиши (%УКр) нинг таҳлили кўрсатишича, МДА /% УКр ( $r = -0,25, p < 0,05$ ) ни қайтар сушт боғи, ЎМП /% УКр ( $r = -0,57, p < 0,05$ ) ни ўртача кучнинг ортга қайтишини тўғридан-тўғри алоқаси, каталаза /% УКр ( $r = -0,64, p < 0,05$ ) нинг ўртача куч ортга қайтар боғи мавжуд экан. Буйрак трансплантациясининг биламчи фаолиятини гемостаз кўрсаткичлари билан боғлиқ томонлари таҳлил қилинганида, АЧТВ , ПВ, ТВ, ФА, ретракция, тромбоцитлар сони ва фибриноген учун сифат тестлари қониқарли натижа бермади. Шу вақтнинг ўзида, 2-гуруҳ реципиентларида операциядан сўнгги даврнинг 10 суткасида тромбоцитларнинг  $284 \cdot 10^9/л$  (95% ИИ: 248-323) гача 1-гуруҳ реципиентлари  $212 \cdot 10^9/л$  (95%ИИ: 170-320) га қарши ошиши кзатилган, бу эса 1-гуруҳ шахсларининг гемостаз тизимининг қон-томир тромбоцитар қаторидаги бузилишларга ишора қилади.

Шундай қилиб, бизнинг натижаларимиз реципиентларда ферментатив қатор АОТ нинг бошланғич ҳолати, иссиқлик ишемиясининг давомийлиги ва КАМ компенсация даражаси трансплантат фаолиятига таъсир қилишини кўрсатган. Такмиллаштирилган периператив тайёрлов дастурининг самардорлиги БТ реципиентларининг ахволлари оралиқ нуқтада (периператив

давринг барқарор кечиши, КАМ кўрсаткичларини ижобий динамикаси), ҳамда якуний нукталарда, яъни жарроҳлик амалиёти натижасида трансплантатнинг бирламчи фаолиятида намоён бўлган.

## ХУЛОСАЛАР

«Буйрак трансплантацияси ўтказилган реципиентларда кислота-асос мувозонати ва гемостазнинг патокимёвий жиҳатлари» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Жарроҳлик амалиётидан аввал БТ реципиентларининг МА ҳолати Нб миқдори 88,5-90,1 г/л гипорегенератор анемия, 4,7-5,3ммол/л миқдори билан гиперкалемия, уремия, эндотоксемия-ЎМП даражасини 5,3-7,1 марта ва МДАнинг контролга нисбатан 1,7-2,2 марта ошиши билан боғлиқ, тромбоцитларнинг  $209-212 \cdot 10^9$ /л гача камайиши, шунингдек қоннинг фибринолитик фаолиятини референс кўрсаткичларига нисбатан 3,5-3,9 марта камайиши билан тасдиқланган.

2. Буйрак трансплантация ўтказилган реципиентларининг КАМ тизимида патокимёвий силжишлари операциянинг 1-босқичида актуал бикарбонатнинг етишмовчилиги 20,2 ммол/л ни (95%ИИ:19,7-21,0), ВЕ етишмовчилиги (-5,6) ммол/л ни (95%ИИ:-4,2 -5,9),  $pO_2 = 165,2$  ммHg (95%ИИ: 149,0-181,3) да гипероксияни ва  $p50 = 87$  (95%ИИ: 77-97) ммHg ни ўз ичига олади ва у МА регуляциясини метаболик компоненти етишмовчилигидан далолат беради.

3. Метоболик ацидознинг етарли даражада компенсация қилинмаслиги ( $HCO_3$  даражаси 19,8 ммол/л) ва АОТ ни кучланиши (каталаза фаолиятини 24 мкат/л дан ошиши), периператив даврда операциянинг 1-босқичида гомеостазни барқарорлиги билан, айниқса, трансплантатни қон оқимиға уланиши ( $\Delta pH_{2-3} > 0,011$ ) ва трансплантатнинг кечиккан фаолиятини 66,1% ҳолатида ифодаланган.

4. Қонда рН ҳолатини барқарорлигини сақланиб туриши ( $\Delta pH_{2-3} < 0,008$ ) ва реципиентнинг АОТ ни изчиллиги туфайли периператив даврда оксидланиш стрессини фаоллиги пасайиши, шунингдек трансплантатнинг иккиламчи иссиқлик ишемияси даврини 35,1 минут гача қисқариши сабабли, трансплантатнинг бирламчи ёки бошланғич фаолиятини 80,9% ҳолатда таъминлайди, ва операциядан 24 соатдан кейин ВЕ мақсад даражасига етишига, креатинин концентрациясини етарли даражада пасайиши буйракнинг гомеостаз регуляциясидаги иштироки бирламчи фаолият бошланганидан далолат беради.

5. Буйрак трансплантатининг кечиккан фаолиятини метаболик омиллар ҳавфини сабабчиси: тўлиқ қопланмаган МА, бошланғич ҳолатда АОТ фаолиятини пасайиши ҳисобланади, ҳамда БТдан сўнг 1- сутка давомида сақланиб турувчи эндотоксемия, периператив даврда трансплантатни қон оқимиға уланишидан кейин асос дефицитини ва МДА ни ошиши билан изоҳланади.

6. Буйрак трансплантатининг кечиккан фаолиятини РОС-таҳлил усули ёрдамида мониторинг учун кенг ахборотга эга кўрсаткичлари аниқланди: БТ

жаррохлик 1-босқичда креатинин концентрацияси,  $\text{HCO}_3$ , каталаза фаоллигини аниқлаш; БТ жаррохлик 3-босқичида, яъни трансплантат қон оқимиға улангандан кейин -BE, МДА, ЎМП кўрсаткичлари аниқлаш билан изоҳланади.

7.Буйрак трансплантациясининг лаборатор мониторингини такомиллаштирилиши периператив даврда КАМ кўрсаткичларини 4-босқичда: BE-асос етишмовчилигига ишора қилиш билан аниқланишини, шунингдек ЎМП ва каталаза фаолиятини жаррохлик амалиётигача ва операциядан кейин аниқлашни ўз ичига олади.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.2019.Tib.30.03  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ  
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**

---

**РЕСПУБЛИКАНСКИЙ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫЙ НАУЧНО-  
ПРАКТИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ЦЕНТР ХИРУРГИИ  
ИМЕНИ АКАДЕМИКА В.ВАХИДОВА**

**КАРИМОВА НОДИРА МИРАЛИШЕРОВНА**

**ПАТОХИМИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ КИСЛОТНО-ОСНОВНОГО  
СОСТОЯНИЯ И ГЕМОСТАЗА У РЕЦИПИЕНТОВ  
ТРАНСПЛАНТАЦИИ ПОЧКИ**

**03.00.01 – Биохимия**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ  
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ – 2020**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2020.2.PHD/В425.**

Диссертация выполнена в Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре хирургии имени академика В.Вахидова.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.rscs.uz](http://www.rscs.uz)) и Информационно-образовательном портале "Ziyonet" ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:** **Хайбуллина Зарина Руслановна**  
доктор медицинских наук

**Официальные оппоненты:** **Ходжиметов Абдугафур Ахатович**  
доктор биологических наук, профессор  
**Абдуллаева Муборак Махмусовна**  
доктор биологических наук, профессор

**Ведущая организация:** **Ташкентский педиатрический медицинский институт**

Защита диссертации состоится «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 года в \_\_\_\_\_ часов на заседании Разового Научного совета DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 при Ташкентской медицинской академии. (Адрес: 100109, г. Ташкент, ул. Фароби, 2. Тел/факс: (99871) 150-78-25, e-mail: [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрировано за № \_\_\_\_\_). (Адрес: 100109, г. Ташкент, ул. Фароби, 2. Тел/факс: (+99871) 150-78-25).

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 года.  
(реестр протокола рассылки № \_\_\_ от «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 года).

**Г.И. Шайхова**  
Председатель Разового Научного совета  
по присуждению учёных степеней,  
доктор медицинских наук, профессор

**Н.Д. Эрматов**  
Ученый секретарь Разового Научного  
совета по присуждению учёных степеней,  
доктор медицинских наук, доцент

**М.Ж. Аллаева**  
Председатель Разового Научного  
семинара при разовом Научном совете по  
присуждению учёных степеней, доктор  
биологических наук, доцент

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** По данным Всемирной организации здравоохранения «... заболевания почек занимают 6 место в структуре общей заболеваемости, составляя 4,7% от всех смертей ...»<sup>1</sup>. Согласно данным Global Kidney Health Atlas, составленного Международной ассоциацией нефрологов (International Society of Nephrology (ISN)) на основании анализа в 160 странах мира (7338,5 млн человек), распространённость терминальной стадии хронической болезни почек сильно варьирует, составляя от 4 до 3392 на 1 млн населения (показатель в разных странах отличается в 800 раз)... »<sup>2</sup>. Трансплантация почки осуществляется в 102 странах мира и является наиболее эффективным методом заместительной почечной терапии. Трупная трансплантация «... широко применяется в США, странах Европы, РФ, Белоруссии, в частности, доля трупной трансплантации почки составляет в РФ – 6:1 млн населения, в Испании – 63:1 млн населения, в США- 47:1 млн населения ...»<sup>3</sup>. Не смотря на неуклонный рост количества трансплантаций почки по всему миру, имеется дефицит донорских органов.

В мире с целью улучшения оценки патохимических аспектов кислотно-основного состояния и гемостаза у реципиентов проводятся ряд научных исследований. В связи с этим, для улучшения результатов родственной трансплантации почки от живого донора, а также диагностики, лечения и профилактики дисфункции трансплантата почки в мире проводится целый ряд целенаправленных научных исследований. Важное значение имеет оценка и определение сдвигов кислотно-основного состояния, гемостаза и мембранодеструктивных процессов у реципиентов трансплантации почки, течение периоперативного периода, и их связи с функционированием почечного трансплантата. Особое значение имеет совершенствование оценки лабораторного мониторинга и разработка прогноза отсроченной функции почечного трансплантата, а также устранение факторов риска этих нарушений у реципиентов трансплантации почки.

